



HISTORICAL MONUMENTS OF SURKHANDARYA REGION, MEASURES TO PROTECT AGAINST THE HARMFUL EFFECTS OF XYLOPHAGE INSECTS

R.X.Allaberdiyev¹, G.S.Mirzayeva², M.M. Mamatova³

¹National University of Uzbekistan Dean of the Faculty of Ecology.

²Institute of Zoology Head of Entomology Laboratory

³Institute of Zoology Entomology Laboratory Assistant

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5527606>

ARTICLE INFO

Received: 15th September 2021

Accepted: 20th September 2021

Online: 25th September 2021

KEY WORDS

*Historical monument,
tourism, xylophagous
insects, geographical
location, climate.*

ABSTRACT

In this article, it was reported that the historical and cultural monuments of Surkhandarya region have been damaged as a result of the development and growth of tourism, their problems, xylophagous insects.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРИНИ КСИЛОФАГ ҲАШАРОТЛАРИНИГ ЗАРАРЛИ ТАЪСИРИДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ

R.X.Allaberdiyev¹, G.S.Mirzayeva², M.M. Mamatova³

¹Ўзбекистон Миллий университети, Экология факультети декани.

²Зоология институти, Энтомология лабораторияси мудири

³Зоология институти, Энтомология лабораторияси лаборанти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-sentabr 2021

Ma'qullandi: 20- sentabr 2021

Chop etildi: 25- sentabr 2021

KALIT SO'ZLAR

*Тарихий обида, туризм,
ксилофаг-ҳашарот,
географик жойлашув,
иқлим.*

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада Сурхондарё вилояти ҳудудидаги тарихий-маданий обидаларнинг туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти, уларнинг ҳозирги ҳолати, ксилофаг-ҳашаротлар томонидан келтирилаётган зарарни ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Кириш. Жаҳонда тарихан қарор топган ва инсоният цивилизацияси ва

маданиятини ўзида акс эттирган ҳамда ёғоч конструкциялардан иборат бўлган



тарихий-маданий объектларни биологик организмларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш ва уларнинг тўлиқ бутунлигини сақлаб қолишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда, ксилофаг-ҳашаротлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг табиий ва ўзлаштирилган муҳит шароитларига ўта кўниқувчанлиги, кўпайиш интенсивлигининг юқорилиги ҳамда заҳарли кимёвий моддаларга мослашувчанлиги сабабли бугунги кунда тарихий-маданий обидаларнинг жиддий зарарланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Ўзбекистон шароитида ксилофаг-ҳашаротларнинг морфологияси, биологияси, экологияси ва умумий озиқланиш хусусиятлари бўйича Р.А. Алимжанов (1971), Н.Э. Эргашев (1996), Б.Р. Холматов (2011), Г.С. Мирзаева, Н.И. Лебедева ва бошқ. (2014), А.Ш. Хамраев ва бошқ. (2015), И.И. Абдуллаев (2016), Азимов Д.А. ва бошқ. (2019) томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, қадимий дурадгорлик асарлари, ёғоч ўймакорлиги ва қурилишларни ҳисобга олганда, ксилофаглар, жумладан, термитлар томонидан келтирилаётган зарар нақадар жиддий ва ҳавfli эканлиги таъкидланган [2;4].

Тарихий-маданий объектлар нафақат миллий меърос, балки туризмнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Биргина Сурхондарё вилояти мисолида оладиган бўлсак бу ҳудудда туризмни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 27 май ойидаги 332-сон қарорига мувофиқ [1]. Сурхондарё вилоятида тарихий ва маданий обидаларни муҳофазасини кучайтириш, ушбу ҳудудларда туризм салоҳиятини ошириш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда ушбу тарихий объектларни муҳофаза қилиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун кенг имониятлар мавжудлигининг ёрқин наъмунаси сифатида Султон Саодат мажмуаси, Шайх Алоутдин Аттор, Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Сўфи Оллоёр мақбаралари бугун юртдошларимизнинг муборак зиёратгоҳига айланганлиги шунингдек, 2019 йил 22-27 август кунлари “Ўзбекистон – буюк йўллар ва цивилизациялар чорраҳаси: империялар, динлар, маданиятлар” мавзусида маданий мерос ҳафталиги доирасида Термиз шаҳрида “Ўзбекистон – цивилизациялар чорраҳаси” халқаро археология сайёҳлик форуми бўлиб ўтиб, унда қатнашиш учун мамлакатимиз ҳудудлари ва 80 дан ортиқ хорижий давлатлардан келган дунё илм-фани вакиллари – таниқли археолог олимлар, музейлар ва илмий институтлар раҳбарлари қатнашганлигини ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш мумкин. Шунинг таъкидлаш лозимки, Француз экспедицияси юртимиз олимлари билан ҳамкорлида 1993 йилдан буён Сурхондарёдаги бир неча тарихий ёдгорликларда илмий тадқиқотлар олиб бориб, жаҳон цивилизацияси тарихини ўрганишда Сурхондарёдаги тарихий ёдгорликлар муҳим ўринга эга эканлигини эътироф



этишган. Жумладан, Бойсундаги Тешиктош ғори, Шерободдаги Зараутсой ёдгорлиги, бундан ташқари, Далварзинтепа, Кампиртепа, Жарқўтон, Холчаён, Қоратепа ҳамда Фаёзтепа сингари обидалар бутун дунё олимлари ва сайёохлари учун тадқиқот ва таъсиротлар манзилига айланган [9]. Шу сабабли ҳозирги кунда ушбу тарихий обидаларни ташқи зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш долзарб масалага айланган.

Тадқиқот усуллари.

Тадқиқот ишлари Сурхондарё вилояти жанубий ҳудудида жойлашган “Ал Ҳаким Ат-Термизий”, “Кокилдор ота” ва “Фаёз тепа буддизм” тарихий иншоотларида 2019-2020 йил март - октябр ва 2021-йил март-июн ойларида олиб борилди. Ксилофаг-ҳашаротларнинг личинкалари ва имаголаридан намуналар йиғилди.

Ксилофаг ҳашаротларни йиғиш ва тур таркибини аниқлашда Б.М. Мамаев, Л.Н. Медведев, Ф.Н. Правдин (1976), С.С. Ижевский ва бошқ. (2005), И.Н. Тоскина, И.П. Проворова ва бошқ. (2007) методларидан фойдаланилди.

Тажриба ва натижалар.

Ёғоч ва ёғочдан ясалган буюмларга ксилофаг ҳашаротлар томонидан етказилган зарар бир қанча ташқи белгилар билан баҳоланди, агар улар зарарланган объектлар юзасида ёки уларнинг остида бўлса, қуйидагилар аниқланди:

- кукун (унсимон маҳсулот) – ҳашарот личинкаларининг чиқинди маҳсулотлари,

- тешиклар – кўнғизлар учгандан кейин қоладиган тешиклар (2-5 мм) ва бошқалар

- лойсувоқлар – бу объектда термитлар мавжудлигини кўрсатади.

Тадқиқот объектлари сифатида Сурхондарё вилояти Термиз тумани ҳудудида жойлашган тарихий обидалардан йиғилган ксилофаг ҳашаротлар ҳисобланади.

Ксилофаг ҳашаротларни йиғиш билан бир вақтда уларнинг популяцияси экологиясининг ўзига хос хусусиятлари қайд этилди, яъни биотопнинг экологик ҳолати аниқланди. Жойнинг географик жойлашуви, иқлим шароити таҳлил қилинди.

Йиғилган материаллар тур таркибини аниқлаш ишлари Зоология институти Энтомология лабораторияси олимлари ҳамкорлигида олиб борилди. Таҳлил натижаларига кўра тадқиқот олиб борилган ҳудудларда *Anobium punctatum* Dee Geer-Мебел пармаловчиси, *Anobium pertinax* Linnaeus-Уй пармаловчиси, *Hylotrupes bajulus* Linnaeus- Қора уй мўйловдори, *Xylocopa valga*- Дурадгор ари ва *Anacanthotermes turkestanicus*- Туркистон термити кабилар доминант тур сифатида қайд этилди ва зарар келтириш даражаси аниқланди.

Жадвал

Тадқиқот ўтказилган обидалар ҳудудининг ксилофаг-ҳашаротлар томонидан зарарланиш даражаси (% ҳисобида).



Хашарот номи Жой номи	<i>Anobium punctatum</i> Dee Geer-Мебел пармаловчиси	<i>Anobium pertinax</i> Linnaeus-Уй пармаловчиси	<i>Hylotrupes bajulus</i> Linnaeus-Қора уй мўйловдори	<i>Xylocopa valga</i> -Дурадгор ари	<i>Anacanthotermes turkestanicus</i> -Туркистон термити
Ал Ҳаким Ат-Термизий	5	12	10	25	4
Кокилдор ота	10	18	14	45	20
Фаёз тепа буддизм	-	-	-	-	80

Хулоса. Сурхондарё воҳаси текислик қисмининг иқлими қуруқ субтропик. Лекин атрофидаги тоғларга қўтарилган сари иқлим ўзгаради. Йиллик ўртача ҳарорат 16-18 С° даража, Термиз шаҳрида ёғин миқдори 130-150 мм. Денгиз сатҳидан 301-302 метр баландликда жойлашган. Иқлими кескин континентал энг юқори ҳарорати 50 С°, қумли чўлларда 70 С° гача етган йиллар кузатилади. Ўлканинг текислик қисмида ёз серқуёш, иссиқ ва қуруқ бўлиб, бундай шароит ксилофаг-ҳашаротлар учун қулай муҳит ҳисобланади. Тадқиқот ўтказилган йилларда “Ал Ҳаким Ат-Термизий”, “Кокилдор ота” ва “Фаёз тепа буддизм” тарихий иншоотларидан йиғилган ҳашаротлар тур таркиби ва экологияси ўрганилганда ушбу ҳудудларда *Anobium punctatum* Dee Geer-Мебел пармаловчиси, *Anobium pertinax* Linnaeus-Уй

пармаловчиси, *Hylotrupes bajulus* Linnaeus- Қора уй мўйловдори, *Xylocopa valga*- Дурадгор ари ва *Anacanthotermes turkestanicus*- Туркистон термити доминантлик қилиши ва минтақа иқлим шароитига мослашувчанлиги юқори эканлиги аниқланди. Сурхондарё вилоятида қўплаб тарихий-маданий обидалар мавжуд. Шулардан 62 таси тарихий-меъморий, археологик ва экологик объектлар сифатида туристик йўналишига киритилган. Ушбу объектларни табиий ва антропоген зарарланишдан муҳофаза қилиш долзарб масала ҳисобланади. 2019-2020 йиллар давомида тарихий обидаларни термитларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида захарли ем-хўрак(приманка)лар синов тариқасида ўрнатилганда, термитлар мисолида оладиган бўлсак улар популяциясининг 80% гача камайишига эришилди.



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020-йил 27-май ойидаги 332-сон қарори.

2. Ижевский С.С., Никитский Н.Б., Волков О.Г. и др. Иллюстрированный справочник жуков-ксилофагов – вредителей леса и лесоматериалов Российской Федерации. 2005. Тула: Гриф и К, 220 С.

3. Лебедева Н.И., Хамраев А.Ш. 2014. Домовой точильщик (*Anobium pertinax* L.) – опасный враг деревянных строений. «Республикамиз худудида термитларга қарши кураш усуллари тақомиллаштириш» мазусидаги Илмий – амалий семинар материали, Тошкент, 11 апрел 2014 йил - Б.27-30.

4. Лебедева Н.И., Хамраев А.Ш., Ахмедова З.Ю. Ксилофаги – злостные вредители древесных материалов и исторических памятников. «Республикамиз худудида термитларга қарши кураш усуллари тақомиллаштириш» мазусидаги Илмий – амалий семинар материали, Тошкент, 11 апрел 2014 йил - Б.21-27.

5. Лебедева Н.И., Хамраев А.Ш., Мирзаева Г.С. и др. 2014 б. Ксилофаги-вредители древесных материалов и исторических памятников. Вестник Каракалпакского госуниверситета им. Бердаха, Нукус, 4 (25) С.21-25.

6. Хамраев А.Ш., Лебедева Н.И., Мирзаева Г.С. и др. 2013. Биологические и экологические особенности домового точильщика (*Anobium pertinax* L.). Вестник Каракалпакского госуниверситета им. Бердаха, Нукус, № 3: С.143-147

7. Холматов. Б.Р., Рустамов Қ.Ж., Мирзаева Г.С., Ғаниева З.А., Абдуллаев И.И. Термитларга қарши кураш тизимида оид тавсиялар (Тавсиянома). – Тошкент, 2015. – 44 б.

8. gov@surxondaryo.uz

9. kun.uz